

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 40
(547)
2007 йил
29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MEZON:

Башариёт тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда мактаб-маориф масаласи жамиятнинг доимий эътибор марказида турса, қайси халқ, қайси миллат ёш авлод тарбияси устида узоқни кўзлаб, тинимсиз иш олиб борса, шу юртнинг фарзандлари элнинг чинакам ғурури ва ифтихорига айланади.
Ислом КАРИМОВ

Маълумки, 2007 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2007 йил 24 август куни Сенатнинг ўн биринчи яли мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 19 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб, шу кундан эътиборан қучга кирди.

Қонуннинг mohiyati АУДИТ ТИЗИМИ:

Уни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси

Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини кўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончли ошдиришга беэвосита хизмат қилади. Мазкур ижобий тенденцияни эса қонунида белгиланган қуйидаги қондиларда кузатиш мумкин: **Биринчидан**, мамлакатимизда аудиторлик фаолияти эркинлик, ҳолислик, мустақиллик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилиши каби аудиторлик фаолиятининг асосий тамойиллари Қонунда илк маротаба алоҳида модда сифатида белгиланди;

Иккинчидан, шу даврга қадар аудиторлар фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ҳолларда аудиторларнинг ўзлари хизмат қилаётган аудиторлик ташкилотлари обрўсини сақлашга қизиқиши паст даражадалигини, кўпгина аудиторларнинг расман бир аудиторлик ташкилоти шатига киритилгани ҳолда бошқа аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида текширувлар ўтказиб келаётганликларини кўрсатган. Бундай аҳвол аудиторларнинг бу каби текширувларни ўтказишга юзаси қарашлариға, текширувларни миқозлар билан келишган ҳолда амалга оширилишиға олиб келиши кузатишган.

Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган Қонунга мувофиқ, эндиликда аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкинлиги белгиланди;

Учинчидан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятига оид таҳлиллар кўпчилик аудиторлик ташкилотлари ўз штатларида икки нафар аудиторга эга эканликларини ва бу ҳолат уларнинг йирик ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини ўтказишга олмастикларига сабаб бўлганини кўрсатган. Бундан ташқари, мазкур аудиторлик ташкилотларида моддий-техник базанинг кучсизлиги, аудит бўйича меъёрий-ҳуқуқий база билан таъминланиши ҳам паст даражада бўлганлиги, айниқса, касбий маҳоратни оширишга жавобгарлик йўлиги учун айрим аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва аудиторларнинг малакаси паст даражада бўлганлиги кузатишган. Ушбу салбий ҳолатлар эса ўз навбатида кўпгина аудиторлик текширувлари юзаси, аудиторлар ва миқозлар ўртасидаги келишув асосида ўтказилишиға, кўрсатилган хизматлар учун текширувга сарфланган ҳақиқатдаги харажатлардан камда 10 маротаба кам бўлган миқдорда, аудиторлик ташкилотлариға суммаларнинг тўланишиға, шунингдек, майда аудиторлик ташкилотларининг молиявий бозорда етарли обрўга эга бўлмастикларига, энг асосийси, аудиторлар-

нинг ҳам аудиторлик ташкилотининг обрўсини сақлашга қизиқиши жуда паст даражада бўлишиға олиб келди.

Шу боис, мазкур Қонун билан юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этишга қаратилган бир қатор меъёрлар белгиланди. Хусусан: аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камда эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторига тегишли бўлиши кераклиги (аудиторлик ташкилоти – чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба қорхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно), аудитор (аудиторлар)нинг фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкинлиги, шунингдек, аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакаға эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозимлиги қабул қилинган қонунда ўз аксини топди;

Тўртинчидан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган нодавлат-нотижорат ташкилоти эканлиги, шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли Қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низомнинг 7-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур қонунда аудиторлик ташкилоти бошқа ҳуқуқлари билан бир қаторда, аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда ҳўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш (бундан бухгалтерия хисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юриш ва молиявий хисобот тузиш мустасно), аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш каби ҳуқуқларға эга эканликлари қонуний мустаҳкамлаб қўйилди; **Бешинчидан**, бугунги кунда республикамизда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижалари қонун ҳужжатлари билан аудиторлик хулосалари ва хисоботларнинг нухсаси мавжуд бўлишини ва сақланишини таъминлаш бўйича мажбурий таъминланмаганлиги сабабли амалиётда мазкур ҳужжатларнинг йўқлиги юбориш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, бунинг натижасида аудиторлик текширувлари натижалари бўйича низолаҳ ҳамда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг текширув натижаларига жавобгарлик даражасини аниқлашда қатор муаммоларнинг юзасиға келаётганлиги кузатишган.

Миллат қалбидаги зиё

Пўлат Мўмин шезри,
Санобар Раҳмонова ижроси

Устозлар

Меҳр нури ётар доим
Кўзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман шу тавофуқ
Изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобиға
Бахму ҳикмат битибез.
Одоб ила билим олдик
Сўзингиздан, устозлар.

Қалбингизнинг йўқ тўбори,
Меҳрибонсиз шунчалар,
Кўёш олмиш ҳароратини
Юзингиздан, устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз,
Чаробонсиз қўнгила,
Минг эҳтиром ўзингиздан,
Қизингиздан, устозлар.

Жой олднгиз бир умрга
Шоғирд юрак тўридан,
Мўмин ҳаёт дарсчи ўқир
Ўзингиздан, устозлар.

4-бет

Элимизға таниқли санъаткор Санобар Раҳмонова бу қўшиқни қуйлаганда 14 ёшда эди. Мана 34 йилдирки, ҳамон бу наво миллат тарбиячиларига эҳтиром рамзи сифатида янграмоқда.



Ўзбекистоннинг Қаҳрамон ўқитувчилари

Bayram shukuhii Маърифатли эл

Турмушнинг бир йўриги бор: маърифат даргоҳидан йироқ киши учун таълим-тарбиянинг аҳамияти деярли йўқ. Бундай савиядаги кишилар илмға интилишмайди, нафий ҳам англашмайди. Янги ўқув йили арафасида илм ўрганиш иштиёкида таълим-тарбия даргоҳларига келаётган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналарини бир кўз олдингизга келтирингиз-а? Илм масканларига нисбатан меҳр ва ошқув хисси ҳатто биринчи синф ўқувчисини ҳам тонг саҳарда ота-онасидан ҳам эрта уйғониб, мактаб сари отланишга даъват этайти. Коллежлар, академик лицейлар, олий таълим даргоҳларида ўқувчилар сафи йил сайин ортаётгани фикримиз далели. Билимлар ҳазинасига меҳр ва илҳос уйғотишда касбдош ва сафдошларимизнинг улуши чиндан ҳам катта. Турмушини мактаб ва таълим билан боғламаган мураббий эса, очинг, энди орамизда қолмади. Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳар йили октябрь ойида нишонлаб келинаётган «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» барча юртдошларимизнинг байрамига айланади, десак муволаға бўлмайдди. Президентимизнинг Фармониға асосан ушбу сананинг умумхалқ байрами деб эълон қилиниши бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Ушбу ўқув йилиға келиб, воқамиздаги умумтаълим мактаблари сони 540 га, улардаги ўқувчилар сони 313,8 минг нафарни ташкил этади. Уларға 28.000 нафардан зиёд малакали устоз-мураббийлар таълим-тарбия бермоқдалар. Халқ таълими ходимлари юртимиздаги нуфузли наشرлардан бири «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси билан доимо ҳамкор. Ҳуқуқий соҳаға оид билимларини шу наشر орқали ҳам мустаҳкамлашмоқда. 2008 йил учун вилоятимиз ўқитувчи ва мураббийлари мазкур нашрга 1000 данаға яқин обуна бўлишни режалаштирган. Уларға, барча ҳамкасб ва ҳамкорларимизға касб байрамингиз кўтлуг бўлсин, деймиз.

Азимбой МАДРАХИМОВ,
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Davlat dasturi amalda

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. Ақтам Хаитов билан мулоқот

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ:

Юрт равнақи йўлидаги кучли ижтимоий сиёсат халқимиз турмуш даражаси ўсишиға қаратилган ислохотлар ифоласидир

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилиши аҳолининг турмуш даражаси барқарор ўсишиға мустаҳкам замин яратди. Айниқса, 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб белгиланиши бу йўналишда амалга оширилаётган эзгу ишларимизда кенг имконият йўлларини очди. Айтинг-чи, ўтган 16 йиллик давр мобайнида ижтимоий муҳофаза йўналишида республикада амалга оширилган ишлар кўпроқ яна қандай жаҳаларда ўз аксини топмоқда?

— Ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимини яратиш бозор муносабатлари шароитида ҳар бир жамият тараққиётининг муҳим шартлидир бири ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлат томонидан олиб бориладиган ижтимоий ҳимоя сиёсати бир томондан, жамиятнинг барча аъзоларини, иккинчи томондан эса, жамиятнинг алоҳида олинган ҳар бир аъзоси ҳимоясини таъминлаш билан навоён бўлади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўналишлари муҳтарам Юртбошимиз томонидан 1991 йилда — Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ белгилаб берилган ва бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган 5 та асосий тамойилида ўз аксини топган. Ушбу тамойиллар юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг тўб негизини ташкил қилиб, ундаги мақсадли чора-тадбирлар ҳар йили қабул қилинадиган

3-бет

1997 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. ****

2004 йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. ****

2006 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. ****

2007 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини такомиллаштириш механизминини таъминлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Qonunning mohiyati

АУДИТ ТИЗИМИ:

Уни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Боши иккинчи бетда)

Мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда аудиторлик ташкилоти фаолиятида лицензия талаблари ва шартларига риоя этишининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, энг асосийси, аудиторлик хизматлари бозорининг тинчлигини ва фойдаланувчиларнинг аудиторлик ташкилотлари оёруси тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш учун рейтинг баҳолашни амалга ошириш механизмининг жорий этиш бугунги куннинг муҳим талаби эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур Қонун билан аудиторлик ташкилотининг мазкур талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини таъкидловчи бир қатор қўшимча мажбуриятлар белгиланди. Қонунга киритилган ушбу қоидага қўра, аудиторлик ташкилотлари эндиликда ўқитилган аудиторлик тегишли курслардан доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотидан мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда сақлашнинг таъминлаши, аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши, аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлаш-маси сўровига қўра ахборот тақдим этиши лозим;

Олтинчида, Қонундаги муҳим янгилıklarдан бири сифатида «аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига қўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўқитилган ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўла-ни-ши» оид қонданнинг амалиётга таъбиқ этилиши, ўз навбатида эндиликда назорат ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар томонидан аудиторларни мажбурий тарзда текширувларга жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг аудиторлик текшируви натижалари учун масъулиятни оширишга олиб келади;

Еттинчида, аудиторлик текширувини ўқитишни таъкидлашнинг ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш, молиявий ҳисоботни тузишдан ташқари, бошқа профес-сионал хизматларни кўрас-тиш аудиторлик текширув-ла-

рини ўқитишда ҳолис бўлишга таъсир этмаслиги, шу билан бирга, аудиторлик ташкилоти айнан бир ҳўжалик юритувчи субъек-тининг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортққ аудиторлик текширувидан ўқитишга ҳақли эмаслиги қайд этилди;

Саккизинчида, аудитор-лик ташкилотлари фаолияти-ни ўрганиш натижасида кузатишган салбий ҳолат — «касбий маҳоратни оширишга жавобгарлик йўқлиги учун айрим аудиторлик ташкилотлари раҳбарларнинг малакаси-ни паст даражада эканлиги-ни» бартаф эйтиш, мазкур жараёнини тартибга солиш-нинг самарали усулларини жорий этиш мақсадида, **ушбу Қонун билан маъсус ваколатли давлат органи томонидан** лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаб-лари ва шартларига аудитор-лик ташкилоти томонидан риоя этилишини назорат қилади ҳамда уч йилда камидан бир марта мазкур масалалар юзасидан текширув ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбарини уч йилда бир марта аттестациядан ўқитиши белгиланди;

Тўққизинчида, аудитор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш асослари доираси кенгайти-рилди. Ҳусусан, аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатишга сабаб бўлган қондубазар-ликларга йўл қўйган ауди-торлик ташкилоти раҳбарин-нинг, шунингдек, аудитор-нинг малака сертификати амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътибор-ан тугатилиши мустаҳкам-лаб қўйилди. Шунингдек, қонунда назарда тутилган асослар, ҳусусан аудитор-лик текшируви давомида аудитор олинган маълумот-ларни аудиторлик текширу-ви бюортмачисининг рухсатисиз учинчи шахслар-га бериши (қонун ҳужжатла-рида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлик; аудиторлик текшируви ўқитишда аниқланган, ҳўжалик юритувчи субъек-тининг бухгалтерия ҳисоби юритиш, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгилан қўйилган талабларни бузиш фактла-рининг аудитор томонидан яширилгани; аудиторнинг малака сертификати бошқа шахсга таъширилган бўлиб, мазкур шахс ушбу ҳужжатни

аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун ўз номидан фойдаланиш мақсадида ишлатганлик фактининг аниқланганлиги ҳолатлари боис, **малака сертификати амал қилиши тугатишган шахс аудитор малака сертификати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобай-нида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан тақоран мурожаат қилишга ҳақли эмаслиги** белгилаб қўйилди;

Ва ниҳоят ўнинчида, аудиторлик малака серти-фикатини олувчиларнинг жавобгарлигини ошириш борасида лицензияловчи органга сохта ҳужжатларни тақдим этиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, аудитор малака сертификати-нинг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олин-ганлиги фактига қўра, малака сертификати бекор қилиш шартларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертифи-кати олиш тўғрисидаги ариза билан тақоран мурожаат қилишга ҳақли эмаслиги қайд этилди.

Ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётиимизга таъбиқ этилиши **биринчида,** аудит тизимини янада ривожлантириш ва аудиторлик хизматлари сифатини оширишга; **иккин-чида,** аудиторлик ташкилот-лари фаолиятини самарали бошқариш усулларини қўллашга; **учинчида,** аудиторлик текширувларининг натижаларини ва ҳолис-лиги учун уларнинг жавобгар-лиги кучайтиришга; **тўртин-чида,** тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончли оширишга; **бешинчида,** республика аудит тизимини халқаро аудит тизимига янада интеграциялашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, аудитнинг бизнес самардор-лигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлишига, аудиторлик текширувларининг юқори профессионал даражада ўқитилишига, аудит тизимининг молия бозоридан ишонч қозонишига ва ниҳоят тадбиркорлик субъектлари учун сифатли аудит хизматларидан баҳра-манд бўлишга зарур бўлган барча қўлай шароитларни яратиб олиб келади.

Эл-Нур МАКСУМОВ, **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

Менинг биринчи ўқитувчим

1. Устоз — ҳар бир инсонни илм-фан зиёсидан баҳраманд этгучи шахс. Шу маънода, айниқса, биринчи ўқитувчининг фидойи меҳнати алоҳида таҳсинга сазовор. Сиз биринчи ўқитувчингизни ёдга олганингизда ёдга олганингиздан қандай ўйлар кечади, қалбингизда қандай ҳиссийларни туюсиз. Умуман, қалбингизда ўчмас из қолдирган устозлар ҳақида нима дея оласиз?

2. Ўқитувчининг жамиятимиздаги ўрни ва маъқеи хусусида тўхталсангиз.

3. Устозларга байрам тилакларингиз.



Мавжуда РАЖАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси

1. Ўзбекистонда ашаётган ҳар бир инсоннинг, ёшу қари, мутахассиси олимнинг биринчи ўқиту-вичи бўлган, деб тўла ишонч билан айти оламиз. Ота-онага нисбатан меҳримиз нечоғлиқ улғу бў-лиса, устозларга нисбатан ҳам меҳри бўлишга бизнинг менталитетимиз, турмуш тарзимиз дав-ват этади. Бу аниқани биз фарзандларимиз, ёш авлодга ҳам сингдириб келаемиз. Бунга назарим-да мамлакатимизда «Ўқитувчилар ва мураббий-лар кўни» нишонлаш ҳам асос бўла олади. Менинг биринчи устозим Раъно Раҳимова бўлган, афсуски, ҳозир улар ораимизда йўқ. Мен би-ринчи ўқитувчининг ёдга оларканман, қўз ўнгим-да самийи ва меҳрибон инсон намён бўлади. У ўзи ўқитган ўқувчиларнинг билими, одоби, камтарини, ташаббускор, атрафдагиларига нисба-тан эътиборли бўлишини, айниқса, Ватанини се-вувчи инсон бўлишини орзу қиларди. Биринчи муаллимим табиатан мулобим, мулоҳазали, сер-фарзанд инсон эдилар. Агар улар ҳаёт бўлганла-рида мен ва мен каби қатор ўқувчиларнинг зи-ли, олим олимга бўлганлигини, айниқса, муста-

қил Ўзбекистонимиз тараққиётига, юрт тинчлиги-га камтарона меҳнати билан ҳисса қўшганини қўриб қувонган бўлардилар. Шунинг ҳам айтиш жо-изки, менинг устозларим жуда қўш. Уларни но-ма-ном санаш мушкул, лекин қалбимда ўчмас из қолдирган устозларни доимо эслаб юраман, улар-га муносиб шогирд бўла олдими, деб ўйлай-ман. Улар орасида академик Иброҳим Мўминов ва фан арбоби Ғуллом Аҳмедовнинг номларини алоҳида эхтиром билан тилга оламан. Доимо улар-нинг руҳини шод этишни Аллоҳдан тилайман.

2. Ҳозирги давр нўқат назаридан қаралганда ўқитувчининг жамиятдаги ўрни жуда юқори. Чўни, жамиятимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш жа-раёнида олий ўқув юрталари ёхуд касб-ўнаҳ кол-лежлари ва ўрта мактаблар ўқитувчилари, мураб-бийларига ҳўқуқимизнинг, айниқса, Давлатимиз раҳбарининг эътибори юқсак. Таълим тизими хо-димларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбат-лантириш, улар меҳнатини қадрлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Барқамол авлодни тарбиялашда, айниқса, ёшларга замонавий билим сирларини чу-қур ўргатиш, уларнинг салоҳиятини ошириш, ин-теллектуал ривожланиш ва ахборот технологияла-ри жараёнига кириб боришига ўқитувчи ва мураб-бийлар жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Замондан ортда қолмаслик учун фарзандларим-изнинг интеллектуал салоҳиятини оширишимиз, уларга энг замонавий технология сирларини ўри-нишларига қўмақлаштиш ўқитувчи устозларнинг зим-масида эканлигини ҳар биримиз ҳис этиб яшаши-миз даркор. Шoir илби тили айтганда, юртимиз-га Берунийлар, Навоийлар, Хоразмийларни етиш-тириб бериш зарур. Бунинг учун жамиятимизда бар-ча шарт-шароитлар яратилган, фақат имкониятлар-дан оқилона фойдаланиш лозим.

3. Одатда байрам муносабати билан доимо эзгу тилаклар билдириш ҳар бир инсонга хос хусу-рий ҳўсбонадир. Мен ҳам «Ўқитувчилар ва му-раббийлар кўни» муносабати билан барча устозу муаллимларни табриқлаб, уларнинг барчасига соғ-лик, машаққатли ва шарафли фаолиятларига юқ-саклик, юртимизга тинчлик ва оёсайишалик, халқи-мизга фаровонлик тилайман.



Абдуқамол РАҲМОҲОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

1. Биринчи ўқитувчим ҳақида ўйласам, бекор бўлганим ёдга тушади. Илк бор қўлимга қалам тутқазиб, ҳар бир ҳарфини қан-дай ёзишни астойдил ўргатган, ёзганимиз чиройли чиқиб қолса, биздан кўпроқ қувонган муалли-мимиз Эрматмак ақанинг (у ки-шини Оллоҳ раҳмат қилсин) са-мийий кўнақсига қўз олдимга ке-лади. Мана шунга роппа-роса қирқ йил бўлибди. Қобилияти ҳар

хил болаларнинг барчасини бир-дай саводини чиқара биллиш му-аллимимизга оқиб бўлмаганимиз балки кейинроқ тушунганимиз.

Бола тасаввуримизда мактаб биз учун сирли кошопа эди. «Алифбе» ўрганасан, дунёни билдиргандек эдик, гўё. Бирин-чи ўқитувчимиз биз энг қўл хавас қиладиган инсон бўлганлигини доим эслайман. Мактабда биз-га сабоқ берган Жўракул ака Қи-личев, Сайид ака Мўхаммадиев, Абдулла ака Эшматов, Уроқ ака Раҳимов ва бошқа ўғил ўқиту-вичи-устозларимиз қалбимиздан чуқур жой олган, улар ҳамон бола тасаввуримиздаги каби дунёдаги энг меҳрибон инсонлар бўлиб қолган. Эъзоз, ҳўр-мат, эхтиром сўзлари айтилса, бекхўёр шу азиз устозлар ёдга келади, устозларни эслаганда эса шу сўзларни албатта ёнма-ён айтишнинг келаверида. Ким бўлсак-да, инсонийликда ҳамон уларга интиламиз — доим ўқув-чилари бўлиб қолаверамиз. Йил-лар ўтган сари меҳрибон ўқиту-вчиларимиз нақадар юқсак фази-латлар соҳиб эканлигини те-ранроқ ағлайверамиз.

2. Юртбошимиз таъкидла-ганидек, қўч-билим ва тафаккур-да экан, ўқитувчилар жамиятга ва унинг ҳар бир аъзосига шун-дай қўч-қудрат бағишловчи фи-дойи инсонлардир. Глобаллаша-ётган дунёда тараққиёт қадам-лари жамиятнинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Шу боис, айниқса, бугунги кун-да ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни ҳар қанчогидан беқийс эканлигини англаш қийин эмас. Истиқлол йилларида мамлакат-мизда таълим соҳасини ривож-лантиришга катта эътибор қара-тилётганда, бу соҳа ходимлари-ни рағбатлантириш, уларнинг машаққатли меҳнатларини муно-си баҳолашга жиҳидий қарала-ётгани ўқитувчиларнинг жамия-тдаги ҳаётдаги маъқеи юқсаклигини ҳам ёрқин ифодасидир.

3. Бу табарруқ инсонлар, — ўқувчи-шогирдларнинг ютуқ-лари ҳақида эшитганда ўз меҳ-нат самараларининг қувончу-завқини ҳис қиладиган самий-ий қалб соҳиблари. Уларнинг шундай қувончларини доим эи-да бўлаверсин. Азиз устозла-римиз доимо элимизнинг аза-ли ҳўрмат-эхтиромидан, шу бе-қийс ўғил-қизларимизга, шу бе-қийс ўғил-қизларимизга таъриқла-рига таъриқлашнинг қўч-билим ва тафаккур-да экан, ўқитувчилар жамиятга ва унинг ҳар бир аъзосига шун-

Ҳар бир кишининг, болалик ва ёшлик йилларида ўсиб-ўлағиши, камолотга етиш, илм-мағрифатли бўлишида унга яқин бўлган азиз инсонларнинг меҳнати беқийс. Ота-она фарзандини дунёга келтириб, тарбиялаб вояга етказса, устоз унга таълим беради.

Ehtirom

Устозга таъзим



Устозлар ҳақида қанча қўп ва ҳўп гапирасан ҳам дил тўй-да айтилмаган самийий эҳти-ром туйғулари тўлиб-тошиб ту-ради. Қайси бир машҳур киши ёки арбоб бўлмасин, уни қўп-га илк бора қалам тутқазиб, ҳарф ўргатган биринчи ўқиту-вчи ва унга касб-ўнаҳ ўр-ғати-тиб, катта ҳаёт йўлига олиб чиққан — устоз бўлган. Балки шу боис бирор-бир касб эгаси яхши ишлаб эл назарига ту-са, «Таълим берган устозингиз раҳмат!», — дейишди, бу бе-жиш эмас. Устоз-муаллимнинг заҳматли меҳнати жуда юқсак-да туради. Хали ёш, навнўқол болакайга ҳар бир ҳарфини қай-та-қайта тақорлаб, ёздириб, унинг саводини чиқариш осон иш эмас. Навоий бобомиз му-аллим меҳнатининг нақадар улғулгини шундай таърифла-ган:

Ҳақ йўлида қим санга бир ҳарф ўқитма сан раж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз санга ила.

Устозлар бизнинг ютуғи-мизга қўриб қувонди, бирор муваффақиятисизлигимиздан эса ташвишга тушиб, йўл-йўриқлар кўрсатади, камчи-ликларимизни илғашга қўмақ-лашади. Доим бизга ўз би-лим ва маҳоратларини қўн-ти билан ўргатишдан чарчамай-ди. Устозни боғбонга қийс қиладилар. Боғбон ҳар бир ниҳолни меҳр билан пар-вартиришга каби муаллим неча-неча навнўқол шогирд-ларга илм сирларини, ҳаёт са-бобини ўргатади. Уғил-қизлар-ни ўз фарзандидек қўриб уларнинг гамхўр ва меҳрибон, қалбга, яқин кишисига айла-нади.

Эътибор қилсангиз, асала-ри минглаб гулларга қўниб, тинимсиз меҳнат қилиб, мис-қолаб бол йғиди. Муаллим ҳам ўқувчисига билим бериш учун қанчалаб китобларни ўқиб-ўрганиб, ўзи йиккан бор билимининг шогирдига ўргата-ди. Бунинг чиндан ҳам фидойи-лик деса бўлади.

Азалдан устозлар доимо

Шунча илму завоқат соҳи-би асалар-да, ўзлари доим камтар ва камсўқум. Адиблар-нинг қўлаб асарларида ҳам устоз-муаллимларнинг шун-дай аъжойиб фазилатлари ҳақида ёзилган. Шу ҳақида ўйлаганимда, семилли адиби-миз Чингиз Айтматовнинг «Би-ринчи муаллим» қўссасидagi Дўйшан образи қўз олдимга келади.

Дўйшан — ҳақиқий фидойи инсон. У очарчилик йиллари-да узоқ вилоятдаги чекка бир қишлоқда бошланғич мактаб-да болаларга сабоқ беради, уларни маънавий ҳимоячи-си ҳам бўлиб қолади. Болалар-ни жон-дилдан севган Дўй-шан қанча шогирдлар тайёр-лаб, уларнинг ўз йўлини то-пиб олишларида ёрдам бери-шга қарамай, жуда оддий, ҳокисорлигига қолади. Бунинг асардаги ушбу жумла билан ҳам ифодаш мумкин. «Биз ҳаммамиз тўқин дастурхонда меҳмон бўлиб ўтирдик, бу бебаҳо одам шу улғу айём кўни ҳам почтачиликни қўймай, бир замонлар шу мактабда ўқиб одам бўлган талабаларнинг юборган таб-рик телеграммаларини мак-табнинг очилиши вақтига ет-казиш ташвишда юрди».

Бизни ҳаёт йўлига бошлов-чи шундай меҳри дарё устоз-ларимиз бор экан, келажак авлод биллими, зехни ўткир бўлиб камолга етиши шўбса-сиз.

Азиз муаллимларнинг меҳ-нати эл фарзандларининг ка-момли, бахту иқболда намён бўлишларида. Қўлтуғ байрам кулларида семилли устозлар-га эхтиромимиз янада зиёда, дил сўзимиз, тилакларимиз беиҳсо. Мудом Сизга таъзим-дамиз, меҳрибон устозлар!

Мадина ҲАМДАМОВА, **ЎЗМУ магистранти**

Қува туманида яшовчи фуқаро Усволдиев Сотволдиев тахрирйатга ёзган шикоят хатига туман ҳокимлиги-дан тортиб, республика миқёсидаги юқори идораларга-ча қилган мурожаатлари ва улардан олинган жавоблардан иборат 32 арақ расмий ҳужжатларни илова қилган.

— Президентимизнинг ишлай-ман, меҳнат қиламан, тадбир-корлик билан шуғулланаман, де-ган фуқароларга кенг йўл очиб бераётгани, уларнинг ҳақ-ҳўқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимоя қилинаётганини қўриб, мен ҳам оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғла-дим. — дейди У.Сотволдиев биз билан сўбатда. — Тумани-миз марказидаги «Дехқон бозо-ри» атрофида транспорт воси-талари тирбандлиги бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётгани ва бунинг олдини олишга ўзим-нинг ҳиссамни қўшим мақсади-да ана шу бозор ёнидаги илгари гишт заводи ўрни бўлган, ҳозир эса қаровсиз ҳолдаги 0.30 гектар майдонда автомобиллар учун пулли тўхташ жойи ташкил қилиш мақсадида туман ҳокими-га ариза билан мурожаат қил-дим. Мана 2 йилдан буён отан-га бор, онангга бор қабилда сарсон бўлиб юрибман. Бу ора-даги асаббузарликлар тўғрисида саломатлигимга ҳам пўтур етди.

«Шу йилнинг 8 ойи даво-мида «Дехқон бозори» атро-фи ва туман маркази кўчалар-ида 9 та автохалокат содир бўлди. Унинг оқибатида икки нафар фуқаро ҳаётдан қўз юмди, турли даражада тан жароҳати олган ўн нафарга яқин фуқаро шифохонага ёт-қизилди»

(Қува туман ИИБ маълумотидан)

Бозор ичиндаги тартибсизлик қўндагидан қолшмайди. Тўртта семини тиккалаб, устига мато ёпиб қўйилган қўлбола бостир-малар пана-партш ўрнатилган, оқик ерларда одамлар савдо қилишга, ҳавога қўтарилаётган қанч-тўзон, ҳуллас, бу ерда тар-тибсизлик, ҳўжасизлик ҳўкмор.

Бозор ичиндан юриб, унинг орқа томонига ўтдик. У.Сотвол-диев автотураргоҳ қилиш учун ариза берган ер чиндан ҳам гишт заводи ўрни бўлгани ва

ворб хати олган. Лекин уларнинг барчаси турли мазмунда. Жум-ладан, биринчи Шархистон тепа-лигининг шарқий қисмидан янги жой тақлиф этилган бўлса, бош-қасида «Рафта буюм бозори» МЧЖнинг жанубий қисмидан жой тақлиф этилган, яна биринчи эса, у ердан автомобил йўли ўтиши мумкинлиги сабабли ариза рад этилган. Хуллас, юқорида қайд этилганидек, туман ҳокимлиги ва унинг қўриқлиш ва архитектура бо-шқармаси мутахассислари Ўзбе-кистон Республикасининг «Фуқ-роларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари-да белгиланган бир ой муддат

Jurnalist surishtiruvi

Антиқа қарорлар

Қува туманида фуқароларнинг сарсон бўлишига сабаб бўлмоқда

ичида аризага жавоб қайта-ришлари лозимлигини билишган у лекин бир аризага нега турли мазмунда жавоб бераётганлиги тўғрисида ўйлаб ҳам қўришмаган. У.Сотволдиев бизга ана бир жа-воб хатини кўрсатди.

«...Туман ҳокимлиги томони-дан эса ушбу ер майдонига эғалик қилиш ҳўқуқини фуқаро Х.Мамажоновга берилгани маълум бўлди. Шунинг учун Сизга туман ҳокимининг юқоридаги қарорини ноқонуний деб топиб, бекор қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш мумкинлигини, мазкур жавоб-дан норози бўлсангиз, юқори турлуви прокурорга мурожаат этиш ҳўқуқингизни тушунтира-ман».

(Қува туман прокурори жавобидан)

Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Бу ҳолда туман ҳокими-ги У.Сотволдиевнинг аризасига

турли-туман жавоблар қайтариб, нега уни икки йилдан буён сар-сон қилиб юрибди. Бунинг ўри-га «Сен ариза берган жой туман ҳокимининг қарори билан бошқа фуқарога берилган», деб нега айтиб қўя қолмайди?

Бир-бирига умуман тўғри кел-майдиган бу жавоб хатларига аниқлик киритиш жараёнида шу нараса маълум бўлдики, юқорида қайд этилган 2005 йил 26 ноябрь-даги туман ҳокимининг 726-сон-ли қарори билан Х.Мамажонов иштиёрига берилган ернинг У.Сотволдиев ариза берган жой-га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ушбу қарорда гап мўлақо бошқа ер

миссиясига тақдим қилиш топши-рилган. Лекин шунга қарамай, қарор талабларининг бирортаси баҳарилмаган. Орадан бир йил эмас, икки йил ўтаётган бўлса ҳамки, автомобилларнинг пуллиқ тўхташ жойи қўрилиб фойдала-нишга топширилмаган, давлатга на ер солиғи, на бошқа солиқ тўловлари тўланмаган.

«... Қува шаҳар, Бўстон қўсасида фуқаро Мамажонов Хўснинидан номида ер майдо-ни солиқ солиш объекти си-фатида рўйхатга олинмаган».

(Қува туман Давлат солиқ инспекцияси маълумотидан)

Бунинг қаранги, туман ҳокимининг мазкур қарори борлигидан туман давлат солиқ инспекцияси биз аралашганимиздан сўнггина ха-

да, бу туман ҳокимлигида ўзиб-ўларчилик, бош-бошдоқлик авж олган, бу ердаги мутахассис кадрларнинг ўз зиммасидаги ва-зифасига нисбатан ўта масъули-ятсизлигидан бошқа нарса эмас. Қолаверса, кейинги бир ярим йил давомида туман бош мей-нори тўрт марта алмашганига нима дейсиз? Улар орасида бу лавозимда бор-йўғи икки ой иш-лаганлари ҳам бор.

— Мен биринчи ариза берган ер ҳеч кимга тегишли эмасли-ги, икки йилдан буён у қандай бўлса, шундайлигига ётганлиги-ни қўриб турсам-да, у жойини та-лашиб, туман раҳбарлари билан сўзлашиб бориб ўтирмадим, — дейди У.Сотволдиев. — Шу боис менга уларнинг ўзлари жавоб ха-

қурилиш бўйича ер танлаш ко-миссиясининг 145-сонли дало-латномаси тузилди ва комиссия аъзоларининг барчаси розилик билдириб имзо чекшиди. Мана шу ҳужжатлар асосида туман ҳокими қарорининг лойиҳаси тайёрланиб, уни тасдиқлаш учун туман ҳокимига тақдим қилин-ди.

Бироқ орадан икки ой ўтса ҳамки, натижа бўлмади. Бу ора-да У.Сотволдиев ҳокимиятга кат-навийиб қарчади. Оқир-оқибат ҳоким қабулига қарган Усупқон ақанинг тарвузи қўлтигидан ту-шиб чиқди.

— Ҳоким «бу жой нотўғри тан-ланибди, берилмайд», — деб жа-воб берди, дейди Усупқон ака. — Шунда мен ақил вилоят архи-тектура ва қурилиш бош бо-шқармаси, туман архитекту-ра ва қурилиш бошқармаси, 13 нафар кишидан иборат туман ҳокимлигининг нуфуз-ли ер танлаш комиссияси аъзоларининг барчаси рози-лик бериб, ҳўжжатларни расмийлаштириб бергани, қолаверса, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деб ари-за берганимга икки йил бўлаётгани, бу орадаги асаб-бузарликлар тўғрисида солиғи-га путур етиб, моддий ва маънавий зарар қўрганлиги айтилди. Ҳоким эса «Комиссия аъзоларини судга бериб, қўрган барча зарарларини ўшлардан суд орқали ундириб ол-деди...»

Хулоса ўрнида шунини таъкидла-ш жоизки, мақолада қайд этилган хато ва камчилиқлардан ва биз ту-манда бўлиб, ўзимиз гувоҳи билан ҳолатлардан қўришиб турибдики, туман ҳокими ва унинг мутахассис-лари ўртасида аҳиллик, ҳамжўра-тилик етишмапти. Айниқса, туман ҳокими, бош архитектори ва ҳоким ҳўзуридаги қурилиш бўйича ер танлаш комиссияси иштироки-да ўрганиб чиқилгани ва қури-лиш учун маъқул топилгани ҳақидаги хулосани олди. Уни маъқуллаб, 2007 йил 5 июнда Фаргона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси «Ша-ҳарсозлик кенгаши» йиғилишининг қарори қабул қилинди. Ав-томобилларнинг пуллиқ тўхташ жойи чизмаси тайёрланиб, у ту-ман бош архитектори томони-дан тасдиқланди. Ниҳоят 2007 йил 5 июлга келиб 13 кишидан иборат туман ҳокимлигининг

Санобар Раҳмонова билан суҳбат

Миллат қалбидаги зиё



Туроб Тўла қўлимни қисиб, аслида танловга сени ҳақиқий аъзо сифатида тақлиф этсак бўларкан. Шунда сенга биринчи ўринни берган бўлардик, дегандилар.

— **Хар йили устозлар байрами кунлари Сизнинг «Устозлар» номли кўшигингиз эфир тўққинларида такрор-такрор бериб борилади.**

— «Устозлар» кўшиги ижроси 1973 йили суратга олинган ва 1974 йил 1 январь кўни эфирга узатилган «Куйла, Санобар» фильм-концерти учун ёзилган. Бу шеър Пўлат Мўмин қаламига мансуб. Устозим Ғуломжон Рўзибоев мусиқа басталаган. «Устозлар» кўшиги кўтаринки руҳда чин кўнгилдан куйланган. Уша пайтда мен 14 ёшли қизча эдим.

— **Ойлангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Турмуш ўртоғим машҳур хонанда Илхом ака Жўраев. У киши билан мактабда, институтда бирга ўқиганмиз. Булоғимизда қишлоғимиздаги «Машъал» номли ансамблга бирга юрдим. Кейинчалик Андижон Пахтачилик институтини ташқил қилганимизда «Оқ-олтин» деган ансамблга қатнашдик. 4 нафар фарзандим бор — Дилобархон, Ислоббек, Илхосбек, Мадинабонулар.

— **Ҳозирда кам кўшиқ айтасиз?**

— Учинчи фарзандим туғилган, оила ишлари билан машғул бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим таниқли санъаткор. Мен учун у кишининг ёнида бўлиш чинаккам санъатни ҳис қилиш демокдир. Ҳозирда кенжа ўғлим Илхосбек ота-онасининг изидан бориб, санъат йўлини танламоқда.

— **Муҳлисанингизга тилакларингиз.**

— Хар инсон ҳаётни шогирд бўлиб бошлаб, устозлик даражасига етишад. Биз ҳамини устозлар ўғитларига қулоқ солдик. Шогирдларимиз ҳам биз кўрсатган йўлдан боришмоқда. Мен барчага ўзининг ҳаёт йўли давомида Уктам, Фидойи, меҳр-муҳаббатли бўлишни тилаб қоламан. Шунда ҳар қандай инсон эл орасида қадр-қиммат, обрў-эътибор топади.

— **Мазмуни суҳбатингиз кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шоиримиз**

ака Жўраев. У киши билан мактабда, институтда бирга ўқиганмиз. Булоғимизда қишлоғимиздаги «Машъал» номли ансамблга бирга юрдим. Кейинчалик Андижон Пахтачилик институтини ташқил қилганимизда «Оқ-олтин» деган ансамблга қатнашдик. 4 нафар фарзандим бор — Дилобархон, Ислоббек, Илхосбек, Мадинабонулар.

— **Ҳозирда кам кўшиқ айтасиз?**

— Учинчи фарзандим туғилган, оила ишлари билан машғул бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим таниқли санъаткор. Мен учун у кишининг ёнида бўлиш чинаккам санъатни ҳис қилиш демокдир. Ҳозирда кенжа ўғлим Илхосбек ота-онасининг изидан бориб, санъат йўлини танламоқда.

— **Муҳлисанингизга тилакларингиз.**

— Хар инсон ҳаётни шогирд бўлиб бошлаб, устозлик даражасига етишад. Биз ҳамини устозлар ўғитларига қулоқ солдик. Шогирдларимиз ҳам биз кўрсатган йўлдан боришмоқда. Мен барчага ўзининг ҳаёт йўли давомида Уктам, Фидойи, меҳр-муҳаббатли бўлишни тилаб қоламан. Шунда ҳар қандай инсон эл орасида қадр-қиммат, обрў-эътибор топади.

— **Мазмуни суҳбатингиз кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шоиримиз**

— **Мазмуни суҳбатингиз кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шоиримиз**

Мен келдим...



Устозим бор. Деярли ҳар кунни учрашамиз. Гап бунда эмас. Гап руҳимни ҳайратга солган воқеада.

Ушанда мен йигирма икки ёшда эдим. Устозим етмиш икки ёшда. Кишининг қаҳратони. Кечки пайт. Совуқ одамлар билан баҳс бойлапти. Катта йўлнинг четидамиз. Иккаламиз ҳам уйга қайтишимиз керак. Аммо устоз менинг бека-тим томон юра бошлади. Мен уни кузатиб қўйишим керак. Йўлнинг бу ёқдами дедим. — Йўқ, деди. — Аммо сенинг бекатингдан ҳам кет-

сам бўлади. Ишонгим келмади. Автобус кутиб ўтирибимиз. Устоз ҳам совқотган, мен ҳам. Устоз ўти-радиган автобус келди.

— Домла, чикинг, — дедим.

— Йўқ, сиздан кейин.

— Йўғе, чикинг.

— Йўқ...

Домла профессор эди, мен эса оддий талаба. Уни уйда кўша-кўша фарзандлари, набиралари кутарди, мени эса ҳеч ким. Ушан-дан кейин устознинг бир эмас, бир неча автобуси келди. Меники эса ҳаяллаган. Ниҳоят, ис-

сиқина автобус ўриндиғига чўкдим. Устоз эса ўз бекати то-мон кетди.

Эртасига узр сўрамоқчи бўлдим. Узимдан ўзим уялдим. Кафедрасига кирсам, олдида бир даста китоб. Бош кўтаргиси кел-майди. Мени кўрди-ю, бугунги режалардан гапирди. Мен унинг кўзларига тикилдим. Йўқ, на ха-фалик бор, на ҳайрат, на таъма. Ҳаммаси олдингидек...

Устоз! Она тилида бор-йўғи бешта товуш. Бор-йўғи бир от. Бор-йўғи бир сўз. Аммо ҳайрати чексиз, ҳикмати, синоати беҳад. У бутун умр ўрганиладиган, бош эги-ладиган, таъзим қилинадиган сўз. Бунда руҳий боғлиқлик, фикрий, эътиқодий яқдиллик муҳасса. Бу энг назик ришталар, илоҳий, ҳис-сий, руҳоний яқинлик ифодаси.

Устозлар ҳақида ёзаётган, тарих-да кетган буюқлар ибрати ҳаёлим-га келди. Навоий илк ёд олган аса-ри Аттюрнинг «Мантиқ ут-тайр»га умри давомида руҳий, ижодий тай-ёрланиб «Лисонут тайр»ни ёзди. Буюқ жаҳонгир Амир Темур эса ус-този Саййид Бараканинг пойнда мангу кўним тоғмоқни шогирдлик иззат-эҳтироми деб билди. Икки буюқ зотинг устозига бўлган бу бекиёс ҳурмати авлодларга мангу ибрат бўлиб қолди.

Алимурод ТОҶИЕВ

БИР ҲОВУЧ ДУР Донишмандлар устоз-муаллимлар ҳақида

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила

Алишер НАВОЙИ



Чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт баҳи этмоқлик яхши, аммо ёш ақли улғайтириш, ёш қалбини ўзга хос шакллантириш, унда адо-лат туйғусини жонлантириш яна-ям яхшидир.

— **Ҳозирда кам кўшиқ айтасиз?**

— Учинчи фарзандим туғилган, оила ишлари билан машғул бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим таниқли санъаткор. Мен учун у кишининг ёнида бўлиш чинаккам санъатни ҳис қилиш демокдир. Ҳозирда кенжа ўғлим Илхосбек ота-онасининг изидан бориб, санъат йўлини танламоқда.

— **Муҳлисанингизга тилакларингиз.**

— Хар инсон ҳаётни шогирд бўлиб бошлаб, устозлик даражасига етишад. Биз ҳамини устозлар ўғитларига қулоқ солдик. Шогирдларимиз ҳам биз кўрсатган йўлдан боришмоқда. Мен барчага ўзининг ҳаёт йўли давомида Уктам, Фидойи, меҳр-муҳаббатли бўлишни тилаб қоламан. Шунда ҳар қандай инсон эл орасида қадр-қиммат, обрў-эътибор топади.

— **Мазмуни суҳбатингиз кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шоиримиз**

— **Ҳозирда кам кўшиқ айтасиз?**

— Учинчи фарзандим туғилган, оила ишлари билан машғул бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим таниқли санъаткор. Мен учун у кишининг ёнида бўлиш чинаккам санъатни ҳис қилиш демокдир. Ҳозирда кенжа ўғлим Илхосбек ота-онасининг изидан бориб, санъат йўлини танламоқда.

— **Муҳлисанингизга тилакларингиз.**

— Хар инсон ҳаётни шогирд бўлиб бошлаб, устозлик даражасига етишад. Биз ҳамини устозлар ўғитларига қулоқ солдик. Шогирдларимиз ҳам биз кўрсатган йўлдан боришмоқда. Мен барчага ўзининг ҳаёт йўли давомида Уктам, Фидойи, меҳр-муҳаббатли бўлишни тилаб қоламан. Шунда ҳар қандай инсон эл орасида қадр-қиммат, обрў-эътибор топади.

— **Мазмуни суҳбатингиз кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шоиримиз**

Шухрат МУСАЕВ суҳбатлашди

Badnafslik

Давронига дарз кетди

Иродали одам нафсининг қули бўлмайди. Виждонидан нафс кўрқиди, деган нақл балки шундан келиб чиққан. Зотан, иродали инсонда виждон ҳисси ўта юқори бўлади. Аммо... аммо Ҳасан Игамбердиев Ок-олтин туман коммунал фойдаланиш бошқармаси раиси лавозимига тайинланди-ю, иродасини йўқотди-қўйди. Нафс амрига буткул бўйсунди.

... 2004 йилнинг 30 нояб-рида Ок-олтин тумани ҳокими 466-сонли қарорни имзолади. Унга мувофиқ туман халқ таълими бўлими ҳисобидаги умумий нархи 11 миллион сўмлик 2 та мактаб биноси тумандаги Фарғона уй-жой мулкдорлари ширкатига ҳеч бир тўловлар-сиз ўтказиб берилиши лозим эди ва шундай бўлди ҳам...

Шўрлик биналар янги раҳбар ишга келган кунданок унга «нишон» бўлди. Яъни, Ҳ.Игамбердиев 2006 йилнинг январия-да уларни фуқаро А.Эргашевга ҳеч қандай ҳужжатларсиз 8 миллион 800 минг сўмга сотиб юборди. Пулни эса чўнтакка урди-да, «раҳбарликнинг давронини» сура бошлади.

Биринчи иш жуда зўр бўлди. Бундай имконият ҳар куниям бўлавермайди. Босиб ҳаракат қилиш керак. Чунки раҳбарлик бугун бор бўлса, эртага йўқ бўлиши ҳам мумкин.

Ҳасанбой шу тахлитдаги ўйлар билан ўтираркан, бир-дан ҳаёлига, қингинада туман

нафс фойдаланиш бошқармаси-га қарашли У.Юсупов уй-жой мулкдорлари ширкатини би-нойидек бошқариб келаётган-ди. Лекин у ҳам бора-бора янги бошлик Х.Игамбердиев-нинг ногорасига ўйнайдиган бўлди. Хуллас, у раис билан жиний тил бириктириб шир-катга тегишли 13 миллион сўмини «туя қилишда» фаол иш-тирок этди. Бу пулларнинг ҳаммаси Гулистон шаҳридаги хусусий фирмалар ҳисоб ра-қамларига ўтказилиб, ҳуфёна йўллар орқали нақдга айлан-тирилди раис ва оранинг кўйига тушди. Шундан кейин бу жиний гуруҳнинг фаолияти янада гилдиради. Биргина мисол: «Сирдарё китоб гузар» ва «Жасурбек автосервис» хусусий фирма-ларига яна 10 миллион 900 минг сўм пул ўтказилди ва бу пуллар ҳам... Устига-уст-ка, У.Юсупов ширкати то-монидан умуман бажарилма-ган ишлар амалга оширилди дея бақдан яна 1 миллион 124 минг сўм пулни олишга-нида раис у ходимнинг би-рон-бир туки қилт этмади. Виждонсизлик, нафс ботко-ғига ботиб бўлган гуруҳ аъзо-лари учун энди ҳеч нарсани-нинг фарқи йўқ эди.

Юқорида айтиб ўтгани-миздек, туман прокуратура-си бундай сохтакорлик, ман-саб вазирасини суистемол қилиш, давлат маблағини та-лон-тарож этиш каби янгили ҳолатга вақтида чек қўйди.

Ислон ЖУМАЕВ, Ок-олтин туман прокуратураси терговчиси, Абдуғаффор ОМОНОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

топшириқомаси билан «Сир-дарё китоб гузар» МЧЖга электр жиҳозлари учун 500 минг сўм пул ўтказиб берган. Лекин биронта жиҳоз олиб кел-линмай, келтирилди, деган сохта юк хати тайёрланган.

...Нажия Лукмонова қатор йиллардан бери туман комму-

нал фойдаланиш бошқармаси-га қарашли У.Юсупов уй-жой мулкдорлари ширкатини би-нойидек бошқариб келаётган-ди. Лекин у ҳам бора-бора янги бошлик Х.Игамбердиев-нинг ногорасига ўйнайдиган бўлди. Хуллас, у раис билан жиний тил бириктириб шир-катга тегишли 13 миллион сўмини «туя қилишда» фаол иш-тирок этди. Бу пулларнинг ҳаммаси Гулистон шаҳридаги хусусий фирмалар ҳисоб ра-қамларига ўтказилиб, ҳуфёна йўллар орқали нақдга айлан-тирилди раис ва оранинг кўйига тушди. Шундан кейин бу жиний гуруҳнинг фаолияти янада гилдиради. Биргина мисол: «Сирдарё китоб гузар» ва «Жасурбек автосервис» хусусий фирма-ларига яна 10 миллион 900 минг сўм пул ўтказилди ва бу пуллар ҳам... Устига-уст-ка, У.Юсупов ширкати то-монидан умуман бажарилма-ган ишлар амалга оширилди дея бақдан яна 1 миллион 124 минг сўм пулни олишга-нида раис у ходимнинг би-рон-бир туки қилт этмади. Виждонсизлик, нафс ботко-ғига ботиб бўлган гуруҳ аъзо-лари учун энди ҳеч нарсани-нинг фарқи йўқ эди.

Юқорида айтиб ўтгани-миздек, туман прокуратура-си бундай сохтакорлик, ман-саб вазирасини суистемол қилиш, давлат маблағини та-лон-тарож этиш каби янгили ҳолатга вақтида чек қўйди.

Ислон ЖУМАЕВ, Ок-олтин туман прокуратураси терговчиси, Абдуғаффор ОМОНОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркор-ликка кенг йўл очилган. Бироқ бу борда яра-тилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эмин-эркин ва давомли фаолият юритиш ўрнига мўмай даромад илпжидо амалдоғи қону-қондаларга риоя қилмаётган юртдоша-римиз ҳам учраб турабди.

Поп туманининг Яккутат қи-шлоғида яшовчи Шукржон Расу-ловнинг «тадбиркор»лиги нафақат унинг ўзи, балки бутун оиласи учун қимматга тушди. Маълум бўлиши-ча, Ш.Расулов бундан 6 йил ав-вал уйга қўйибла дастхот орқа-ли пахта ёчи ишлаб чиқара бош-лаган ва кейинчалик нимадир са-баб билан бу ишни тўқтатиб қўйган. Утган йили эса «ҳунар-нинг умуми тутиб қолди. Шун-инг учун у аввалгига қўшни Минг-булак туманининг Гўлбоғ қишло-ғида яшовчи Ойбек исми тани-шига бирорта бериб, янги ё иш-лаб чиқарадиган уюкна яраттир-ди. Кейин ускунани уйга олиб кел-иб ўрнатди-ю, «бизнесни бош-лаб йилгича эса Расуловни асо-сий ҳам ашв саналими чегит би-лан таъминлаб турарди.

— Чарос чегитларни Гўлбоғ пахта тазалаш заводидан олиб чи-қар, биз эса унинг ҳар бир қопи-ни 4000 сўмдан сотиб олардик. Ускуна 2-3 соат ишлатилса, тах-минан 5-10 литр ё олиш мумкин эди, — дейди Ш.Расуловнинг кат-та ўғли Пуллатжон сўз мажлисида берган кўрсатмасига.

Аммо нафс домида тушган Ш.Расулов бу ҳаракати жиддий

жиният эканлиги, бир кун келиб сири фаш бўлса, қонун олдида жа-воб беришини билса-да, ўзини ҳам, икки нафар ўғилларини ҳам тўқтата олмади. Охири-охибат... Кўза кўнда эмас, кунда сини-ди, деганларидек шу йил январ ойида туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ота-бала Расуловларнинг «фаолият-дан хабар топиши. Лекин кўнун ҳимоячилари мазукур ҳолат юзаси-дан қўйма тадбир ўтказиш учун ботганларидан Ш.Расулов ўғилла-ри билан уларнинг қўнуний талаб-ларига бўйсунмади. Ақсинча, те-мир болга, панаша, 2 та резина та-қаб, ёғоч тахта каби уй-ўзгўр анжомларини қўлга олишиб, хо-димларга қаршилик кўрсатди. Пуллатжон ёғоч тахта билан ИИБ ходими Дўёр Аҳмедовни чак қўл-га уриб, тан жароҳати етказди. Яна бир ҳудуд Комил Жўраев эса Азамат Расуловнинг зарбасидан азият чекди. Уларни ахратмоқчи бўлган учинчи ходим Бахтиёр Ҳўжабердиевнинг хизмат кийи-мларини йиртиб ташлашди. Шунда ходимлар биргалашиб Азаматни ушламоқчи бўлишганда оила бош-лиғи ўз қаршилиги билан уларни хизмат вазибаларини бажариш-дан воз кечишга мажбур қилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Юнусовид туман 1-сонли Давлат нотариал идораси собиқ ходимаси

Гулчехра АКТАЙБАЕВАНING вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзо-лари ва қариндошларига таъзия изҳор этади.

Qonundan chetga chiqmang! Эгри йўл...

Янгийўл шаҳрида яшовчи Фу-қаро Мохир Эргашев ҳам кўндан буюн тадбиркорликнинг чакана савдо тури билан бинийидек шу-ғулланиб келаётганди. Албатта, бунинг кетидан Мохирнинг ўзи ҳам, оиласи ҳам кам бўлгани йўқ. Хар ҳолда илгаригаги нисбатан моддий имкониятлари анча кен-гайди.

М.Эргашев топганига шукур қилиб, бошлаган хайрли ишини давом эттираверса бўларди. Аммо нафс қурғур уни қонун до-ирасидан четга етказди. Гап шунданки, шу йил январ ойининг бошларида Мохир Фарғона во-дйис томон йўлга қатнади. Қўқон-га етиб келган, ширин хабарлар оғушида шаҳардаги улғуржи сав-до бозорига тушди. У аша шу ерда нотаниш шахслардан Хитойда ишлаб чиқарилган «LG», «ТОШИ-БА», «SONY», «NOBEK», «SRYWORTI», «Heisense», «PRIMA» номли турли диагоналдаги 76 та 6.460.000 сўмлик рангли телеви-зорлар, «Leidun», «JUNBISI», «PINOBE», «SHONON» каби 19 тур-даги 1674 жуфт 19.328.200 сўмлик эркаклар оёқ кийимлари жами 25.788.200 сўмлик махсу-лотларни савдо қондаларини буз-ган ҳолда сотиб олди. Сўнгра уларни Фуқаро Обиджон Мурдо

бошқарувидаги 11 О 6536 давлат белгилли «КамАЗ» русум-ли автомашинага оқлаб, Тошкен-га жўнади. Унинг максиди товар-ларни қайта сотиб, ҳаминини мўмайгина пулга тўлдирди эди. Лекин Мохирнинг ана шу ниети Қамчқ довозига чиқаришдаги «Наманган» йўл патрул хизмати масканида сарофга айланди. Чун-ки маскандаги боқжона ва икки ишлар ходимлари «КамАЗ»ни тўқтатиб текширилганда, ундаги махсулотлар боқжона расмий-лаштирувдан ўтмаганлиги ҳамда ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг «ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудига истеъмол то-варлари олиб келинишини тар-тибга солиш тўғрисидаги» Фар-мони ва Вазирлар Маҳкамасининг савдо фаолияти билан боғлиқ бир эмас бешта қарори талабларига зид равишда сотиб олингани аниқланди.

Албатта, жамиятда содир этилган катта-кичикки жино-ятга жазо муқаррар. Жиният иш-лари бўйича Поп туман суди баён этилган иккала ҳолат бўйи-ча ҳам айбдорларга қонуний жазо тайинлади.

Баҳромжон БОТИРОВ, Жиният ишлари бўйича Поп туман судининг раиси

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Г.Исахановга падали бузуруквори

Эргаш ота НОРМАТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

бошқарувидаги 11 О 6536 давлат белгилли «КамАЗ» русум-ли автомашинага оқлаб, Тошкен-га жўнади. Унинг максиди товар-ларни қайта сотиб, ҳаминини мўмайгина пулга тўлдирди эди. Лекин Мохирнинг ана шу ниети Қамчқ довозига чиқаришдаги «Наманган» йўл патрул хизмати масканида сарофга айланди. Чун-ки маскандаги боқжона ва икки ишлар ходимлари «КамАЗ»ни тўқтатиб текширилганда, ундаги махсулотлар боқжона расмий-лаштирувдан ўтмаганлиги ҳамда ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг «ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудига истеъмол то-варлари олиб келинишини тар-тибга солиш тўғрисидаги» Фар-мони ва Вазирлар Маҳкамасининг савдо фаолияти билан боғлиқ бир эмас бешта қарори талабларига зид равишда сотиб олингани аниқланди.

Албатта, жамиятда содир этилган катта-кичикки жино-ятга жазо муқаррар. Жиният иш-лари бўйича Поп туман суди баён этилган иккала ҳолат бўйи-ча ҳам айбдорларга қонуний жазо тайинлади.

Баҳромжон БОТИРОВ, Жиният ишлари бўйича Поп туман судининг раиси

ИНСОН ва ҚОНУН		ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:		Индекс: 646882		
МУАСССА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади	2007 йил 3 январда Ўзбекистон Миллатот ва Адабиёт агентлигида 0081-рақам билан рўyxата олинган	Абдулаев Икром Бахтиерович Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович Маҳмудов Назижон Миралеевич Мустафоев Бўритов Мустафоевич	Ражабова Мавжуда Абдуллаева Раҳмонов Абдуҳалим Шодиевич Саложков Хуршид Маъмуриддинович Хамроев Ислам Хамроевич	Навбатчи Алияддин СЎНОВ Саидфаловчи дизайнёр: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ	«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳриратини компьютер базасида тартиб-ва тартибланган. А-2 бичиқма. 2 босма табоқ ҳақида. Осиёт устулима «Шарқ» нашрият-матбаа ашҳарияси компанияси босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турки кўчаси 41-уй. Буюртма Ғ-815. Тиражи — 8120. Босишга тошириши вақти — 21.00 Топширилди — 22.00	МАНАСИЛИНИ: 100047, Тошкент ш. Солиқлар кўчаси-5. Тел: 133-70-63. Факс: 133-84-30 e-mail: inson@uznet.com